

- нусха

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СТРАТЕГИК ТАҲЛИЛ
ВА ИСТИҚБОЛНИ БЕЛГИЛАШ ОЛИЙ МАКТАБИ**



**“Миллий хавфсизлик муаммоларининг тизимли таҳлили
ва прогнозлаштириш” (23.00.05.) ихтисослиги бўйича илмий
тадқиқотлар учун**

устувор йўналишлар ва долзарб мавзулар

РЎЙХАТИ

(2026-2028 йиллар учун)

ТОШКЕНТ – 2026

“Миллий хавфсизлик муаммоларининг тизимли таҳлили ва прогнозлаштириш” (23.00.05.) ихтисослиги бўйича долзарб илмий тадқиқотлар учун устувор йўналишлар ва долзарб мавзулар рўйхати: 2026-2028 йй. (очиқ қисми) – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Стратегик таҳлил ва истиқболни белгилаш олий мактаби, 2026, – 26 б., 1-нашр, адади _____ нусха.

Тузувчи: **Зоҳидов А.А.**

Ўзбекистон Республикаси Стратегик таҳлил ва истиқболни белгилаш олий мактабида “Миллий хавфсизлик муаммоларининг тизимли таҳлили ва прогнозлаштириш” ихтисослиги (*сиёсий, иқтисодиёт, социология, ҳуқуқ ва психология йўналишлари*) доирасида ишлаб чиқилган илмий тадқиқот учун устувор йўналишлар ва долзарб мавзулар рўйхати (*2026-2028 йиллар учун*) миллий хавфсизликни таъминлаш муаммолари бўйича тадқиқот олиб борадиган изланувчилар, илмий ходимлар, профессор-ўқитувчилар ва амалиёт ходимларига мўлжалланган.

Мазкур рўйхатга киритилган илмий тадқиқотнинг устувор йўналишлари ва долзарб мавзулари фалсафа фанлари доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) илмий даражаларини олиш учун олиб бориладиган диссертация ишлари ҳамда илмий-тадқиқот лойиҳалари учун асос бўлиши мумкин.

Рўйхат Ўзбекистон Республикаси вазирлик ва идораларидан, таҳлил марказларидан, шунингдек Олий мактаб профессор-ўқитувчилари томонидан тақдим этилган мавзулар асосида шакллантирилган.

Олий мактаб Илмий кенгаши томонидан чоп этиш учун тавсия этилган,
174-баённома, 7 март 2026 йил

Ўзбекистон Республикаси
Стратегик таҳлил ва истиқболни белгилаш олий мактаби
2026 йил

**“Миллий хавфсизлик муаммоларининг тизимли таҳлили
ва прогнозлаштириш” (23.00.05.) ихтисослиги бўйича долзарб илмий
тадқиқот мавзулар рўйхати**
(2026-2028 йиллар учун)

**I. Миллий хавфсизлик муаммоларининг тизимли таҳлили
ва прогнозлаштириш ихтисослиги:
СИЁСИЙ ФАНЛАР**

1. Миллий хавфсизликни таъминловчи субъектлар фаолияти: назария ва амалиёт.
2. Миллий хавфсизлик кесимида давлат бошқаруви тизимини замонавийлаштириш масалалари.
3. Маҳаллий бошқарув органларининг миллий хавфсизлик тизимидаги ўрни ва функциялари.
4. Миллий хавфсизлик кесимида давлат бошқарувини номарказлаштиришнинг ташкилий жиҳатлари.
5. Ўзбекистонда миллий хавфсизликни таъминлашда сиёсий-ташкилий муаммолар ва истиқболли йўналишлар.
6. Ўзбекистон миллий хавфсизлигини таъминлашда фуқаролик жамияти институтларининг аҳамияти.
7. Фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя этишда давлат хавфсизлик хизмати органлари фаолиятини такомиллаштириш.
8. Дунёвий давлат асосларини мустаҳкамлаш бўйича хорижий давлатлар тажрибаси.
9. Замонавий давлатларда миллий ўзига хосликни мустаҳкамлашнинг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатлари.
10. Ахборот урушлари шароитида фуқаролик онгини ҳимоя қилиш стратегиялари.
11. Рақамли технологиялар ривожланиши шароитида омма онгини манипуляция қилиш: таҳдидлар ва уларга қарши курашиш механизмлари.
12. Миллий хавфсизликни таъминлашда носоғлом ахборот оқимини аниқлашнинг замонавий методларидан самарали фойдаланиш.
13. Жамиятни nobarqarorлаштиришда сиёсий-ижтимоий технологиялар: прогнозлаштириш ва қарши курашиш стратегиялари.

14. Жамиятни бирлаштириш миллий хавфсизликни таъминлашнинг стратегик ресурси сифатида.
15. Оммавий маданият ва ташқи маданий таъсирлар: миллий қадриятлар ва ғоявий хавфсизлик муаммолари.
16. Миллий хавфсизлик соҳасида давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ҳамкорлик.
17. Оммавий норозилик ҳаракатлари ва ижтимоий беқарорлик хавфини олдиндан аниқлаш методикаси.
18. Ўзбекистонда чегара хавфсизлигини таъминлаш: замонавий мониторинг ва назорат тизимларини жорий этиш.
19. Миллий хавфсизликка таҳдидларга қарши курашишда парламентнинг ўрни.
20. Маънавий-мафкуравий хавфсизликни таъминлашда давлатнинг сиёсий стратегиялари: ижтимоий-сиёсий таҳлил.
21. Миллий ўзликни англаш ва маънавий қадриятларни ахборот хуружларидан ҳимоя қилишнинг ташкилий жиҳатлари.
22. Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашнинг сиёсий механизмлари: янги сиёсий ташаббуслар.
23. Аҳолининг ҳукуматга нисбатан хайрихоҳлик даражасини баҳолаш методикаси.
24. Миллий хавфсизлик кесимида демографик сиёсатни амалага ошириш масалалари.
25. Мамлакатимизга гиёҳванд моддалар олиб кирилишининг фаоллашуви, уни ўтказиш усуллари ҳамда бунда ижтимоий тармоқларнинг роли.
26. Терроризмга қарши курашишда халқаро ҳамкорлик: миллий ва минтақавий стратегиялар.
27. “Толибон” ҳукуматининг халқаро миқёсда тан олинишининг Ўзбекистон манфаатларига таъсири.
28. Радикализм ва экстремизмга қарши курашнинг институционал асосларини такомиллаштириш.
29. Ўзбекистонда диний экстремистик кайфиятлар тарқалишини олдини олишнинг самарали усуллари.
30. Диний вазиятни соғломлаштириш йўналишидаги тадбирлар самарадорлигини оширишнинг долзарб муаммолари.
31. Ўзбекистонда диний таълим стратегияси ва истиқболлари.
32. Секуляризация ва сакрализация масалалари давлатнинг ички ва ташқи сиёсатига таъсири.

33. Ижтимоий тармоқларда тарғиб қилинаётган экстремистик ғоялар ва уларнинг миллий хавфсизликка таҳдиди.
34. Ўзбекистонда кибержиноятларнинг миллий хавфсизликка таҳдидлари: назария ва қарши кураш амалиёти.
35. Ўзбекистонда ахборот хавфсизлиги сиёсатини такомиллаштириш масалалари.
36. Муҳим инфратузилма объектларини кибертаҳдидлардан ҳимоя қилиш масалалари.
37. Ахборот-психологик операцияларга қарши курашиш бўйича хорижий давлатлар тажрибаси ва унинг миллий хавфсизлик тизимига интеграция қилиш имкониятлари.
38. Ўзбекистонда киберхавфсизликни таъминлашда ижтимоий-психологик омилларнинг аҳамияти ва уларни такомиллаштириш йўллари.
39. Ўзбекистонда ахборот хавфсизлигини таъминлашда киберхавфларга қарши стратегиялар.
40. Ахборот хавфсизлигининг аҳамияти, киберхавфлар ва уларга қарши стратегиялар, Ўзбекистонда ахборот хавфсизлигини мустаҳкамлаш механизмлари.
41. Гибрид кибертаҳдидлар миллий хавфсизликка таҳдид солувчи омил сифатида: олдини олиш механизмлари.
42. Давлат миқёсида дезинформацияга (фейк хабарлар) қарши курашнинг сиёсий ва ташкилий жиҳатлари.
43. Ахборот суверенитети ва Ўзбекистоннинг рақамли мустақиллигини таъминлаш чоралари.
44. Информацион хуружлар ва Ўзбекистоннинг ахборот хавфсизлиги сиёсати: таҳдидлар ва қарши чоралар.
45. Сунъий интеллект ва катта маълумотлар (*big data*) технологияларининг миллий хавфсизликка таъсири.
46. Давлат идораларида сунъий интеллект технологияларидан фойдаланишда миллий хавфсизликка хавф ва таҳдидлар.
47. Миллий хавфсизликни таъминлашда сунъий интеллект ва автоматлаштиришнинг хавфсизлик тизимининг аҳамияти.
48. Мамлакат ижтимоий-сиёсий хавфсизлигига таҳдидларни мониторинг қилишда сунъий интеллектнинг ўрни.
49. Янгиланган хавфсизлик технологиялари, сунъий интеллект ва автоматлаштиришнинг хавфсизлик тизимидаги аҳамияти.

50. Ўзбекистонда фавқулодда вазиятларнинг олдини олишда сунъий интеллект модулларини татбиқ этиш.
51. Ўзбекистонда ёшлар орасида рақамли исломий контент истеъмолининг дунёвий давлатчилик тамойилларига таъсири.
52. Ўзбекистондаги этносиёсий жараёнлар ва уларнинг миллий хавфсизликка таъсири.
53. Ўзбекистон миллий хавфсизлигини таъминлашда ҳарбий кучларни модернизация қилиш стратегиялари.
54. Ўзбекистон Қуролли Кучлари имижини миллий хавфсизликни таъминлашнинг муҳим омилларидан бири сифатида.
55. Ўзбекистон Қуролли Кучлари имижини шакллантиришда сиёсий технологиялар роли.
56. Ўзбекистон Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларининг сиёсий ижтимоийлашувида стереотиплар роли.
57. Ўзбекистон ҳарбий хавфсизлигини таъминлашда ахборот урушларига қарши кураш механизмларини такомиллаштириш.
58. Ўзбекистон ҳарбий сиёсатида стратегик шериклик ва унинг миллий хавфсизликни таъминлашдаги ўрни.
59. Ўзбекистон ҳарбий қурилиш сиёсатида замонавий тенденциялар.
60. Ўзбекистоннинг замонавий жамиятида армия ва давлат ўртасидаги ўзаро бошқарув тизимидаги муносабатлар.
61. Мудофаа соҳасидаги давлат хизматларини кўрсатиш тартиб-таомилларини такомиллаштириш масалалари.
62. Мудофаа соҳасидаги сунъий интеллект технологияларини қўллашнинг ҳуқуқий асослари.
63. Ўзбекистонда миллий хавфсизликни таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг роли.
64. Интернет ва оммавий ахборот воситаларининг инсон ҳуқуқларига таҳдидлари ва уларни бартараф этиш йўллари.
65. Ахборот маконидаги замонавий тенденциялар ва Ўзбекистонда жамоатчилик фикрини шакллантиришда хорижий онлайн оммавий ахборот воситаларининг ўрни.
66. Ахборот-мафкуравий хавфсизликни таъминлашда хориж тажрибаси (*алоҳида давлатлар кесимида*).
67. “Юмшоқ куч” воситасида ахборот-мафкуравий хавфсизликни таъминлаш: халқаро ва миллий моделлар таҳлили.

68. Миллий хавфсизликни таъминлашда Ўзбекистоннинг халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлиги: муаммо ва истиқболлар.
69. Ижтимоий-сиёсий барқарорликка қаратилган ахборот таҳдидларига қарши курашиш тизимини такомиллаштириш.
70. Глобаллашув шароитида миллий манфаатларни илгари суриш механизмларини такомиллаштириш.
71. Глобаллашув шароитида замонавий Ўзбекистон миллий хавфсизлигининг ҳарбий ва ижтимоий асослари.
72. Глобаллашув шароитида давлат суверенитетини сақлаб қолиш муаммолари ва уларни бартараф этиш йўллари.
73. Ўзбекистон миллий манфаатларига ташқи сиёсий таҳдидлар ва уларга қарши курашиш механизмлари.
74. Чет элда миллий манфаатларни илгари суриш учун ҳарбийлаштирилган тузилмалардан фойдаланиш бўйича хорижий тажриба.
75. БМТ доирасидаги Ўзбекистон ташаббусларининг амалга оширилиши: ҳолати, муаммо ва истиқболлари.
76. Украина инқирозининг Евроосиё маконига ҳарбий-геосиёсий таъсири.
77. ХХР геостратегик қарашларининг шаклланиши ва минтақа хавфсизлигига таъсири.
78. Терроризмга қарши курашишда халқаро ҳамкорлик, мамлакатнинг терроризмга қарши стратегиялари ва унинг халқаро ҳуқуқдаги ўрни.
79. Афғонистон Ислом Амирлиги медиа тарғиботининг Ўзбекистондаги диний тафаккурга таъсири.
80. Хитойнинг Марказий Осиёдаги геосиёсий манфаатларини амалга оширишга қаратилган ҳаракатининг Ўзбекистон миллий хавфсизлигига таъсири.
81. Хитойнинг Марказий Осиёдаги “юмшоқ куч” сиёсатининг Ўзбекистон миллий хавфсизлигига таъсири.
82. Ўзбекистон миллий манфаатлари кесимида минтақавий транспорт-логистика хавфсизлигини таъминлаш масалалари.
83. Ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар ўртасидаги рақамли тафовутни бартараф этишнинг долзарб масалалари.
84. Экологик хавфлар ва табиий офатларнинг миллий хавфсизликка таъсири ва самарали бошқарув тизимлари.
85. Иқлим ўзгариши ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича минтақавий интеграция жараёнларининг миллий хавфсизликка таъсири (*Марказий Осиё давлатлари мисолида*).

86. Иқлим ўзгариши ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳаларида аҳолининг бирдамлиги, ишончи ва қарашларини оширишда миллий хавфсизликка таҳдидларни олдини олиш.
87. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳаларида маълумотларни минтақавий интеграция қилиш жараёнларининг миллий хавфсизликка таъсири.
88. Марказий Осиёда минтақавий ҳамкорлик: Ўзбекистон ташқи сиёсатидаги муаммо ва истиқболлар.
89. Геосиёсий трансформация шароитида янги халқаро транспорт-логистика йўлакларини шакллантириш: Ўзбекистон Республикаси учун риск ва имкониятлар.
90. Геосиёсий рақобат шароитида Марказий Осиёда Ўзбекистоннинг хавфсизлик стратегияси.
91. Халқаро муаммолар (*Фаластин, Украина, Афғонистон*) контекстида Марказий Осиё давлатларининг хавфсизлик сиёсатининг ўзгариши.
92. Ноанъанавий уруш усуллари: гибрид таҳдидлар ва уларга қарши миллий стратегиялар.
93. Рақамли дипломатия ва ахборот урушлари: Ўзбекистон учун хавф ва имкониятлар.
94. Ўзбекистон миллий хавфсизлигини таъминлаш кесимида давлат миграция сиёсати.
95. Давлат томонидан диаспорал сиёсатни амалга оширишнинг ташкилий жиҳатлари.
96. Меҳнат мигрантлари орасида радикаллашув таҳдидларини бартараф этишнинг профилактик механизмлари.
97. Миграция жараёнлари ва меҳнат муҳожирлари билан боғлиқ хавфсизлик муаммолари.
98. Глобаллашув шароитида ноқонуний миграцияга қарши курашиш масалалари.
99. Интеллектуал миграциянинг олдини олиш соҳасидаги хорижий давлатлар амалиёти.
100. Сув ва энергетика ресурслари устидан назоратнинг миллий хавфсизликдаги ўрни.
101. Трансчегаравий жиноятчилик ва гиёҳванд моддалар контрабандасининг хавфсизликка таъсири.
102. Марказий Осиёда минтақавий интеграция истиқболлари ва рисклар.

103. Европа Иттифоқи, Форс кўрфази ҳамкорлик кенгаши (ГСС) ва АСЕАН минтақалараро интеграция сиёсатларининг қиёсий таҳлили: Марказий Осиё учун сабоқлар ва хавфсизлик жиҳатлари.
104. Санкцияларни четлаб ўтиш: иккиламчи санкциялар хавфини олдини олиш механизмлари.
105. Геосиёсий рақобат шароитида рақамли суверенитет: миллий хавфсизликка таҳдидлар ва уларни олдини олиш механизмлари.
106. Гибрид урушларда хусусий ҳарбий компаниялар иштироки: миллий хавфсизликка таҳдидлар.
107. “Марказий Осиё – Россия” форматини ривожлантириш сиёсатининг минтақа барқарорлигига таъсири.
108. Россияга қарши санкциялар босими шароитида Шарқ ва Ғарб ўртасидаги логистика оқимларининг трансформацияси: Ўзбекистон учун чақириқлар ва истиқболлар.
109. “МО+” формати доирасида Марказий Осиё давлатларининг ташқи сиёсатини мувофиқлаштириш: институционал механизмлар ва сиёсий етакчилар ёндашуви.
110. Яқин Шарқ давлатларида юз бераётган қуролли тўқнашувларнинг Ўзбекистон миллий хавфсизлигига таъсири.
111. Покистоннинг Марказий Осиё давлатларига нисбатан сиёсатининг замонавий ёндашувлари: геоиқтисодий ва геосиёсий жиҳатлар.
112. Марказий Осиё минтақасида иқлим ўзгаришлари натижасида юзага келаётган сув танқислиги билан боғлиқ муаммолар ҳамда уларни бартараф этиш чоралари.
113. Марказий Осиё мамлакатларининг барқарор ривожланиш стратегияларининг қиёсий таҳлили.
114. Глобаллашув шароитида Марказий Осиёда минтақавий ҳамкорлик механизмларининг трансформациялашуви: муаммо ва истиқболлар.

II. Миллий хавфсизлик муаммоларининг тизимли таҳлили ва прогнозлаштириш: ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

115. Иқтисодий кризисларни олдини олишда молия тизимини ривожлантиришнинг замонавий тенденциялари ва истиқболлари.

116. Янги иқтисодий глобаллашув шароитида Ўзбекистон иқтисодий хавфсизлиги даражасини баҳолашнинг методологик ёндашувлари.
117. Ўзбекистон миллий хавфсизлигини таъминлашда инновацион ва технологик ўсиш имкониятлари.
118. Ўзбекистон энергетика хавфсизлиги мамлакат барқарор иқтисодий ўсишини таъминловчи омил сифатида.
119. Ўзбекистон иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг ўрта ва узоқ муддатли стратегик вазифалари.
120. Давлат бошқаруви тизимида иқтисодий хавфсизликни таъминлаш муаммолари.
121. Рақамлаштириш шароитида иқтисодий хавфсизликни таъминлаш: рақамли иқтисодиёт рискларига қарши курашишнинг концептуал ёндашувлари ва воситалари (*рақамли таҳдидларни баҳолаш методикасини ишлаб чиқиш, рақамли суверенитет*).
122. Ўзбекистон иқтисодиётининг ташқи иқтисодий таҳдидларга бардошлигини баҳолаш.
123. Иқтисодиётнинг глобал технологик трансформацияси шароитида Ўзбекистонда бандлик бўйича давлат сиёсатини ривожлантириш ва меҳнат бозорини тартибга солиш муаммолари ва истиқболлари.
124. Ўзбекистон шароитида иқтисодий рискларни прогноз қилишнинг замонавий ёндашувларини татбиқ этиш истиқболлари.
125. Ўзбекистоннинг стратегик аҳамиятга эга соҳаларида иқтисодий рискларни аниқлаш ва прогнозлаштириш методологияси.
126. Ўзбекистон иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришда стратегик режалаштириш механизмларини такомиллаштириш.
127. Ўзбекистонда саноат корхоналарининг иқтисодий хавфсизлигини баҳолаш: тизимли таҳлил.
128. Иқтисодиётда монополлаштириш жараёнларини олдини олишнинг ташкилий ва ҳуқуқий жиҳатлари.
129. Миллий хавфсизликни таъминлашда озиқ-овқат хавфсизлиги омили: муаммо ва истиқболлар.
130. Глобал трансформация ва далаатлараро зиддиятлар шароитида Ўзбекистон озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашни моделлаштириш.
131. Аҳолининг озиқ-овқатга бўлган узоқ муддатли эҳтиёжини прогнозлаштириш методикасидан стратегик режалаштиришда фойдаланиш имкониятлари.

132. Миллий иқтисодиётни барқарор ривожлантиришда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш омили (*аграр сиёсат, импорт ўрнини босиш ва бошқ.*).
133. Глобал ўзгаришлар шароитида миллий озиқ-овқат хавфсизлиги: агроозиқ-овқат тизими барқарорлигини баҳолаш (*логистика боғламлари инқирози, иқлим ўзгаришлари, биохавфсизлик*).
134. Минтақада озиқ-овқат хавфсизлиги даражасини пасайтирувчи макроиқтисодий омиллар.
135. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга салбий таъсир этувчи омиллар ва уларни бартараф этиш йўналишида амалга оширилиши лозим бўлган чоратадбирлар.
136. Махсус саноат зоналарининг Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришдаги муаммо ва истиқболлари.
137. Иқтисодий хавфсизлик кесимида қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантиришда пахта-гўқимачилик кластерларининг ўрни ва роли.
138. Савдо урушлари (*trade wars*) ва уларнинг Марказий Осиё хавфсизлик архитектурасига таъсири.
139. Ташқи қарзлар, хорижий инвестициялар ва иқтисодий хавфсизлик: таҳдидлар ва олдини олиш чоралари.
140. Ташқи қарз миқдорининг оптимал даражасини аниқлаш ва унинг мамлакат иқтисодий ўсишга таъсири.
141. Инвестиция сиёсати ва хорижий иқтисодий таъсир: миллий хавфсизлик нуқтаи назаридан таҳлил.
142. Сунъий интеллектдан фойдаланган ҳолда божхона хизмати жараёнларини рақамлаштириш.
143. Божхона хизмати органлари фаолиятида давлат-хусусий шериклик механизмларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш.
144. Ташқи иқтисодий фаолият билан боғлиқ божхона қонунчилиги бузилиши жиноятларини жиноий-ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш.
145. Тариф ва нотариф усуллар орқали тартибга солишнинг халқаро савдога таъсири.
146. Моддий маданий бойликларни ноқонуний айланишига қарши курашишда жавобгарликни такомиллаштириш масалалари.
147. Миллий хавфсизлик кесимида Ўзбекистон Республикаси солиқ сиёсатини такомиллаштириш муаммо ва истиқболлари.

148. Давлат бюджети даромадларини шакллантиришда солиқларни оптималлаштиришнинг миллий хавфсизликни таъминлашдаги аҳамияти.
149. Миллий хавфсизлик кесимида юридик шахсларга солиқ солиш тизимини такомиллаштириш йўллари.
150. Иқтисодий хавфсизликни таъминлашда солиқ инспекциялари фаолиятини такомиллаштириш муаммолари.
151. Иқтисодий хавфсизликни таъминлашда юридик шахслар томонидан бюджетга солиқларни ўз вақтида ва тўлиқ тўланиши устидан назоратни ташкил этиш муаммолари.
152. Иқтисодий хавфсизликни таъминлашда Ўзбекистонда солиқ маданияти даражасини ошириш имкониятлари.
153. Ўзбекистон иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда солиқ сиёсати ва уни такомиллаштириш истиқболлари.
154. Ўзбекистонда солиқлар билан боғлиқ рискларни прогноз қилиш назарияси ва амалиёти.
155. Ривожланган мамлакатларнинг солиқ тизимига оид тажрибасини Ўзбекистон шароитида қўллаш имкониятлари.
156. Узоқ муддатли барқарор ўсишни таъминлашда Марказий банк мустақиллигининг аҳамияти.
157. Мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда нархлар барқарорлигининг ўрни.
158. Миллий иқтисодиётда нархлар барқарорлигини таъминлашда энергетика ва транспорт инфратузилмасини такомиллаштириш истиқболлари.
159. Марказий банкнинг рақамли валюталари ва уларнинг молиявий барқарорликка таъсири.
160. Ўзбекистонда инвестиция муҳити: хорижий сармояни жалб қилишдаги муаммо ва ечимлар.
161. Иқтисодий хавфсизликни таъминлашда кибержиноятчиликка қарши курашиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш муаммолари.
162. Ўзбекистонда коррупцияга қарши кураш: иқтисодий механизмлар ва уларнинг самарадорлиги.
163. Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш тизимини баҳолаш методологияси (*иқтисодиёт тармоқлари мисолида*).
164. Ўзбекистонда экологик хавфсизликни таъминлашнинг муаммо ва истиқболлари.

165. Ўзбекистонда “яшил иқтисодиёт” концепциясининг жорий этилиши ва ривожланиш истикболлари.
166. Яшил саноат сиёсатини юритиш орқали экологик хавфсизликни таъминлаш механизмлари.
167. Иқлимий ўзгаришлар шароитида Ўзбекистон иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш муаммолари.
168. Ўзбекистонда экологик хавфсизликни таъминлашда ички ва ташқи хавфларни бартараф этишнинг ҳуқуқий масалалари.
169. Глобал исиш ва экологик хавфсизлик: Ўзбекистон олдидаги таҳдидлар.
170. Геосиёсий омилларнинг Ўзбекистон иқтисодий хавфсизлигига таъсири аниқлаш йўллари.
171. Хитой ва АҚШ глобал рақобати шароитида Марказий Осиё давлатларининг ташқи иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш.
172. Минтақанинг иқтисодий хавфсизлигини баҳолаш ва мониторинг қилиш усуллари таҳлил қилиш ва такомиллаштириш.
173. Минтақа иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш механизмларини такомиллаштириш.
174. Россиянинг миграция сиёсатини Марказий Осиё давлатлари иқтисодий ва ижтимоий барқарорлигига таъсири: стратегиялар ва таҳдидлар таҳлили.
175. Марказий Осиё минтақасида ўзаро электр энергия ресурсларига боғлиқлик Ўзбекистон миллий хавфсизлигига таъсир этувчи омил сифатида.
176. Хитой кредит сиёсатининг Ўзбекистон иқтисодий хавфсизлигига таъсири.
177. Хитойнинг Марказий Осиёдаги иқтисодий сиёсати ва унинг Ўзбекистон хавфсизлигига таъсири.
178. Марказий Осиёда интеграция жараёнлари шароитида ижтимоий-гуманитар ва мафкуравий-сиёсий ҳамкорликни ривожлантириш муаммолари ва истикболлари.
179. Ўзбекистон ташқи сиёсати ва иқтисодий стратегиясини шакллантиришда Марказий Осиёда сув-энергетика ўзаро ҳамкорлигининг ўрни.
180. Марказий Осиёдаги трансчегаравий сув муаммоларининг Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги соҳасига салбий таъсири.
181. Минтақавий ҳамкорликни чуқурлашуви шароитида иқтисодий хавфсизликни таҳлил қилиш ва прогнозлаштиришнинг назарий-методологик асослари (*индикаторлар тизими мисолида*).

182. Демографик ўсиш шароитида иқтисодий хавфсизликка таҳдидларни баҳолаш индикаторлар тизими.
183. Қайта тикланадиган энергия тармоғини ривожлантиришнинг замонавий ёндашувлари энергетик хавфсизликни таъминлаш омиллари сифатида.
184. Ўзбекистон иқтисодий хавфсизлиги кесимида саноат сиёсатини такомиллаштириш йўллари.
185. Ўзбекистон иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда минтақавий ривожланиш омили.
186. Жаҳон молиявий бозоридаги трансформациялашув шароитида мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш механизмлари.
187. Халқаро савдо-иқтисодий муносабатларда юзага келаётган беқарорликларнинг Ўзбекистон иқтисодиётига салбий оқибатлари: прогноз ва ечимлар.
188. Молиявий ландромат схемаларига қарши курашнинг ташкилий жиҳатлари.
189. Ўзбекистонда инвестиция муҳити: хорижий сармояни жалб қилишдаги муаммо ва ечимлар.
190. Ўзбекистонда энергетика хавфсизлиги ва ресурсларни бошқариш механизмлари: муаммо ва истиқболлар.
191. Ўзбекистон иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда яширин иқтисодиётга қарши курашиш механизмларини такомиллаштириш.
192. Ўрта синфнинг миллий иқтисодий хавфсизликни таъминлашдаги ўрни: иқтисодий таҳлил ва прогнозлаштириш масалалари.
193. Ўзбекистонда кичик ва ўрта бизнеснинг ривожланишини қўллаб-қувватлаш: давлат сиёсатининг самарадорлиги.
194. Иқтисодий хавфсизликни мустаҳкамлашда кичик ва ўрта бизнеснинг роли (*иқтисодий барқарорлик, бандлик, инновацион салоҳият*).
195. Энергетик хавфсизлик давлат иқтисодий суверенитети ва барқарор ривожининг муҳим омили сифатида (*энергетик геосиёсат, ресурс дипломатияси, стратегик захираларни бошқариш*).
196. Туризмни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар ва соҳада илғор хориж тажрибасини жорий этиш бўйича амалий таклифлар.
197. Ўзбекистон иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда йўл инфратузилмасини бошқариш тизимини такомиллаштириш.

198. Ўзбекистонни глобал савдонинг янги архитектурасига интеграциялаш воситаси сифатида муқобил халқаро транспорт йўлаklarини ривожлантириш.
199. Евроосиё транспорт йўналишларининг қайта мослашуви шароитида Ўзбекистоннинг иқтисодий хавфсизлиги.
200. Евроосиёдаги геоиқтисодий ўзгаришлар фонида Транскаспий транспорт йўлагини шакллантиришда Ўзбекистон Республикасининг роли.
201. Европа ва Осиё ўртасидаги муқобил йўналишларда Ўзбекистоннинг иштирокига оид инфратузилма ва ташқи сиёсий жиҳатлари.
202. Марказий Осиёда халқаро транспорт логистикасини ривожлантириш: глобал беқарорлик шароитида Ўзбекистоннинг иқтисодий хавфсизлик стратегияси.
203. Россия транзитидан ташқарида Хитой ва Европа ўртасидаги янги транспорт алоқаларида Ўзбекистоннинг геоиқтисодий позицияси.
204. Марказий Осиёда сув-энергетика ресурслари тақсимоли муаммолари: Ўзбекистон миллий хавфсизлигига таъсири ва минтақавий ҳамкорлик истиқболлари.
205. Марказий Осиёда иқтисодий интеграцияни амалга ошириш муаммо ва истиқболлари.

III. Миллий хавфсизлик муаммоларининг тизимли таҳлили ва прогнозлаштириш: ЮРИДИК ФАНЛАР

206. Миллий хавфсизлик таҳдидларини баҳолашда парламент назорати ва ҳуқуқий институтларнинг ўрни.
207. Миллий хавфсизликни таъминлашда ҳуқуқий таҳлил ва прогнозлаштиришнинг назарий-методологик асослари: Ўзбекистон тажрибаси ва истиқболлари.
208. Ўзбекистоннинг миллий манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган хавфсизлик сиёсатининг ҳуқуқий асослари ва стратегиялари.
209. Миллий хавфсизликни таъминлашда ҳуқуқий таълим ва тарбия муаммолари.
210. Миллий хавфсизликни ҳуқуқий таъминлаш: мавжуд механизмлар таҳлили ва такомиллаштириш истиқболлари.

211. Замонавий таҳдидлар шароитида миллий хавфсизликни таъминлашнинг конституциявий-ҳуқуқий асослари.
212. Ўзбекистон Республикасининг миллий хавфсизлигига оид таҳдидларга қарши курашиш билан боғлиқ муаммоларнинг ҳуқуқий таҳлили.
213. Миллий хавфсизлик ва инсон ҳуқуқлари: ҳуқуқни қўллаш амалиётида конституциявий балансни таъминлаш муаммолари.
214. Ўзбекистонда ижтимоий ҳимоя тизимининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш.
215. Миллий хавфсизликни таъминлашнинг ҳуқуқий стратегиялари: тизимли-тузилмавий таҳлил ва халқаро тажриба.
216. Миллий хавфсизликка таҳдидларни юридик прогноз қилиш механизмлари: назария, методология, воситалар.
217. Замонавий таҳдидларга мослашувчан ҳуқуқий асосларни ишлаб чиқиш методологияси.
218. Хавфсизлик соҳасидаги миллий қонунчиликни халқаро стандартлар билан уйғунлаштириш: муаммолар ва ечимлар.
219. Ўзбекистонда коррупцияга қарши кураш: ҳуқуқий механизмлар ва уларнинг самарадорлиги.
220. Коррупциявий жиноятларнинг криминологик тавсифи ва уларнинг олдини олиш чоралари тизими.
221. Давлат сирларини ташкил қилган маълумотларни ўз ичига олувчи ихтиро, фойдали модель ва саноат намунасини миллий ва халқаро рўйхатдан ўтказишнинг ҳуқуқий асослари.
222. Миллий хавфсизлик тизимида коррупциявий схемаларни аниқлаш алгоритмлари.
223. Коррупцияга қарши рақамли профилактика: Smart Contracts ва E-Government платформаларининг имкониятлари.
224. Давлат фуқаролик хизматида коррупцияга қарши кураш сиёсатининг устувор йўналишлари.
225. Давлат бошқаруви тизимида коррупция билан боғлиқ жиноятларнинг криминологик тавсифи ва уларнинг олдини олиш чоралари.
226. Ижтимоий соҳада коррупцияга қарши курашни маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш механизмини такомиллаштириш.
227. Коррупция билан боғлиқ ҳолатда жиноят содир этган шахсларнинг қилмишини квалификация қилиш ва уларнинг жиноий жавобгарлиги.

228. Коррупция билан боғлиқ жиноятларнинг тенденцияларини аниқлаш ва унинг оқибатларини бартараф этиш чораларини ишлаб чиқиш.
229. _____ бўлинмаларининг коррупциявий жиноятларга фаолиятини такомиллаштириш.
230. _____ коррупцияга қарши курашишнинг маъмурий-ҳуқуқий жиҳатларини такомиллаштириш.
231. Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмини такомиллаштириш.
232. Коррупциявий жиноятларнинг криминологик тавсифи ва уларни олдини олиш чораларини такомиллаштириш.
233. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида коррупцияга қарши курашишнинг криминологик жиҳатлари.
234. Янги Ўзбекистоннинг коррупцияга қарши сиёсати.
235. Соғлиқни сақлаш тизимида коррупция билан боғлиқ жиноятларнинг криминологик тавсифи ва уларнинг олдини олиш чоралари.
236. Олий таълим тизимидаги коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш.
237. Таълим тизимида коррупция билан боғлиқ жиноятларнинг криминологик тавсифи ва уларнинг олдини олиш чоралари.
238. Қурилиш тизимида коррупция билан боғлиқ жиноятларнинг криминологик тавсифи ва уларнинг олдини олиш чоралари.
239. Хусусий сектор тизимида коррупция билан боғлиқ жиноятларнинг криминологик тавсифи ва уларнинг олдини олиш чоралари.
240. Коррупция билан боғлиқ жиноятларнинг сабаб ва шароитларини криминологик тадқиқ этиш масалалари.
241. Коррупция билан боғлиқ жиноятларнинг сабаблари ва шарт-шароитларнинг криминологик жиҳатлари ва уларнинг олдини олиш чоралари.
242. Коррупцияга қарши сиёсат криминологик таҳлил объекти сифатида.
243. Коррупциявий жиноятчиликнинг криминологик тавсифи.
244. Мансабдорлик ва коррупция жиноятларининг сабаблари ва уларга имкон берган шарт-шароитлар.
245. Коррупциявий жиноятлар учун жавобгарликнинг айрим масалалари: халқаро стандартларни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигини такомиллаштириш истиқболлари.

246. Сайлов тизимидаги коррупция таҳдидларига қарши курашнинг конституциявий-ҳуқуқий механизмлари.
247. Давлат хизматчиларининг ҳалоллигини мустаҳкамлашнинг ҳуқуқий жиҳатлари.
248. Иқтисодий жиноятлар учун жавобгарликнинг миллий ва хориж тажрибаси: ҳуқуқий таҳлил ва прогнозлаштириш.
249. Мудофаа соҳасини маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш масалалари.
250. Давлат чегарасини қўриқлаш тизимининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари.
251. Давлат миқёсида сиёсий миллат шакллантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатлари.
252. Ўзбекистонда экологик ҳуқуқнинг ривожланиши: экологик хавфсизлик ва ҳуқуқий механизмлар.
253. Халқаро экологик ҳалокатлар фонида экомиграция жараёнлари ва уларни тартибга солишнинг халқаро-ҳуқуқий асослари.
254. Махфий маълумотларни муҳофаза қилишнинг халқаро стандартларига мослашиш: Ўзбекистондаги қонунчилик ва унинг амалиёти.
255. Блокчейн ва криптовалюталар: коррупцияга қарши курашда янги имкониятлар ва ҳуқуқий тартибга солиш.
256. Ахборот уруши ва ташқи таъсирлар: коррупциянинг ички мувозанатга таъсири.
257. BigData технологиялари орқали коррупцияни таҳлил қилиш: миллий хавфсизлик ва халқаро амалиёт.
258. Муҳим инфратузилма объектларига кибертаҳдидларга қарши курашишнинг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатлари.
259. Киберхавфсизлик соҳасида қонунчиликдаги ўзгаришлар таҳлили ва қонунчиликни янги муаммоларга мослаштиришда парламентнинг ўрни.
260. Давлат миқёсида инвестициявий хавфсизликни таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатлари.
261. Ўзбекистон Республикасида инвесторлар фаолиятни ташкил этишда таваккалчиликни бошқариш механизмлари ва уларни амалга оширишнинг ҳуқуқий ечимлари.
262. Миллий хавфсизлик кесимида хусусий тиббиёт клиникаларини тартибга солишда миллий қонунчиликдаги муаммо ва камчиликлар.
263. Фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш тизимида консультатив демократия институти ва уни қўллаш механизмлари.

264. Ахборот технологиялари соҳасида содир этиладиган жиноятларга қарши курашишнинг халқаро-ҳуқуқий механизмлари: назария ва амалиёт.
265. Халқаро хавфсизликни таъминлашда давлатларнинг халқаро-ҳуқуқий мажбуриятлари ва уларни миллий ҳуқуқий тизимдаги имплементацияси: Ўзбекистон Республикасининг глобал ва регионал халқаро муносабатлардаги иштироки мисолида.
266. Ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни шакллантиришда шахс психологик хусусиятларининг аҳамияти.
267. Гендер тенгликнинг Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқий-назарий асослари ва аҳамияти.
268. Ўзбекистон Республикасида бола ҳуқуқлари кафолатларининг ҳуқуқий асослари.
269. Одам савдоси ва мажбурий меҳнат бўйича қонунчилик ва суд амалиёти.
270. Суд-тергов фаолиятида суд экспертизасини тайинлаш, ўтказиш ва экспертиза ҳулосасини олишда электрон ахборот тизимини жорий этишни ҳуқуқий тартибга солиш масалалари.
271. Божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузишнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлари.
272. Контрабанда учун жавобгарлик: жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлари.
273. Парламент назоратининг миллий хавфсизлик соҳасидаги самарадорлигини ошириш механизмлари.
274. Миллий хавфсизлик тизимида ҳуқуқий таҳдидларни баҳолаш ва бартараф этишнинг институционал-ҳуқуқий механизмлари.
275. Марказий Осиё мамлакатлари томонидан трансмиллий хавфсизлик таҳдидларига қарши курашишнинг халқаро-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш йўллари.
276. Меҳнат мигрантларини ривожланган давлатлардаги хорижий иш берувчиларнинг талаблари даражасида тил ва касб-ҳунарга ўқитишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш.
277. Қўшилган қиймат солиғини давлат бюджетидан қайтарилишидаги муаммолар.
278. Судьяларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 231-моддасини *(адолатсиз ҳукм, ҳал қилув қарор, ажрим ёки қарор чиқариш)* қўллаш борасида халқаро тажриба ва уни амалиётга жорий этиш масалалари.

279. Блогерлик фаолиятини ҳукуқий тартибга солишнинг замонавий механизмлари
280. Ўзбекистонда шахсга доир маълумотларнинг ҳимоясини таъминлашда миллий қонунчиликни халқаро стандартлар билан уйғунлаштиришнинг назарий-ҳукуқий асослари.
281. Ўзбекистон Республикасида сифатсиз ва сертификатга эга бўлмаган дори воситаларини ишлаб чиқариш ва реализация қилишнинг салбий таъсирлари ва уни олдини олишдаги мавжуд ҳукуқий муаммолар (*миллий қонунчиликдаги камчиликлар*).

III. Миллий хавфсизлик муаммоларининг тизимли таҳлили ва прогнозлаштириш:

СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

282. Миллий хавфсизликнинг концептуал асослари ва уни таъминлаш механизми: социологик таҳлил.
283. Ижтимоий кескинлик ички нобарқароликнинг омили сифатида: миллий хавфсизлик тизимида прогнозлаштириш методлари.
284. Ижтимоий хавфсизлик ҳолатини мониторинг қилиш ва прогнозлаштиришнинг методологик асосларини такомиллаштириш.
285. Ижтимоий хавфсизликни таъминлашнинг институционал асосларини такомиллаштириш.
286. Ижтимоий хавфсизликни таъминлашнинг норматив-ҳукуқий таъминотини такомиллаштириш (*маълум соҳа кесимида*).
287. Ўзбекистонда давлат ижтимоий ҳимоя тизимини ривожлантириш муаммолари.
288. Ўзбекистонда ижтимоий медиа: мавжуд ҳолат, муаммолар ва истиқболли йўналишлар.
289. Ўзбекистонда ижтимоий сиёсатнинг ахборот таъминотини такомиллаштириш истиқболлари.
290. Жамият тараққиётида жамоатчилик назорати механизмларини такомиллаштириш йўналишлари.
291. Ёшлар бандлигини таъминлашда келажак касблари ва кадрлар тайёрлашнинг ташкилий жиҳатлари (халқаро тажрибалар мисолида).
292. Ёшлар орасида ватанпарварлик туйғуларини шакллантиришнинг замонавий усул ва механизмлари (узлуксиз таълим бўғинлари мисолида).

293. Аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш бўйича халқаро тажрибани миллий қонунчиликка имплементация қилиш муаммолари.
294. Ўзбекистон Қуролли Кучларининг ижтимоий хавфсизлигини таъминлашнинг асосий йўналишлари ва усуллари.
295. Технологик ва инновацион ўсиш модели шароитида янги касблар бўйича мутахассис тайёрлаш тизимини такомиллаштириш.
296. Миллий хавфсизликни таъминлашда ёшларнинг ижтимоий бандлиги масаласи: муаммо ва ечимлар.
297. Республикада олий таълим сифатини таъминлашга оид илғор хориж тажрибани амалиётга татбиқ этиш масалалари.
298. Ўзбекистонда касб-ҳунарга ўқитиш тизимини такомиллаштириш.
299. Ўзбекистонда таълим тизимининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш (социологик таҳлил).
300. Ўзбекистонда таълим инфратузилмасини ривожлантириш муаммо ва истикболлари (*муайян таълим босқичи мисолида*).
301. Миллий хавфсизлик кесимида оилавий ажримларнинг олдини олиш муаммолари (*миллий социологик таҳлилар*).
302. Оилани режалаштириш дастурларини амалга оширишда хорижий тажриба.
303. Ўзбекистон ижтимоий хавфсизлигини таъминлашда хотин-қизларга нисбатан зўравонликни олдини олиш механизмлари.
304. Ўзбекистон Республикасида гендер тенглик муаммосини ўрганишнинг методологияси.
305. Ўзбекистонда ижтимоий барқарорликни таъминлашда оила институтининг роли: социологик таҳлил ва прогнозлаштириш масалалари.
306. Ўзбекистонда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш механизмларини такомиллаштириш: социологик таҳлил ва прогнозлаштириш масалалари.
307. Халқаро тажрибалар асосида камбағаллик даражасини аниқлашнинг услубий жиҳатларини такомиллаштириш.
308. Глобаллашув шароитида ёшларнинг маънавий-мафкуравий хавфсизлигини таъминлашнинг ижтимоий-психологик механизмлари.
309. Ёшларда ижтимоий адаптация ва шахсий идентификация жараёнлари: замонавий тенденциялар.
310. Мамлакатларда ишсизлик: муаммо ва ечимлар (илғор тажрибалар мисолида).
311. Ташкилотларда стратегик бошқарув тизимини такомиллаштириш.

312. Жамоат хавфсизлиги таъминлашда ижтимоий институтларнинг роли.
313. Жамоат хавфсизлиги ва ижтимоий барқарорлик: ижтимоий омиллар.
314. Миллий хавфсизлик кесимида элатлар ва конфессиялараро муносабатлар: рискларни социологик таҳлили.
315. Ўзбекистонда ёшлар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш йўналишлари (*ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш йўналишида*).
316. Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг имкониятларидан фойдаланиш иқтиқболлари.
317. Маданий мерос ашёларининг ноқонуний олиб чиқилишига қарши кураш механизмларини такомиллаштириш.
318. Ижтимоий хавфсизликни таъминлашда миллатлараро муносабатлар омили
319. Ижро ҳокимияти органлари фаолиятига жамоатчилик ишончини шакллантириш технологиялари.
320. Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш инфратузилмасини ривожлантириш муаммо ва истиқболлари.
321. Соғлиқни сақлаш тизимида стратегик режалаштириш механизмларини такомиллаштириш.
322. Ижтимоий хавфсизликни таъминлашда тиббий хизматлар кўрсатиш тизимини такомиллаштириш йўналишлари.
323. Ижтимоий хавфсизликни таъминлашда соғлиқни сақлаш омили.
324. Соғлиқни сақлаш тизимида шифокорлар хатосини мониторинг қилиш тизимини такомиллаштириш.
325. Ўзбекистонда тиббий суғурта: мавжуд ҳолат, муаммолар ва ривожлантириш йўналишлари.
326. Ўзбекистонда шифокорлар миграциясини тартибга солишнинг устувор йўналишлари.
327. Ўзбекистонда маданият ва спорт инфратузилмасини ривожлантириш муаммо ва истиқболлари.
328. Ижтимоий хавфсизликни таъминлашда таълим омили.
329. Мактабгача ва мактаб таълими тизимида стратегик режалаштириш механизмларини такомиллаштириш.
330. Олий таълим тизимида стратегик режалаштириш механизмларини такомиллаштириш.
331. Ўзбекистонда кадрларни тақсимлаш тизимини такомиллаштириш йўналишлари.

332. Ўзбекистонда олий таълим соҳасидаги халқаро ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари.
333. Ўзбекистонда инновацион таълим тизимини ривожлантириш муаммолари.
334. Ўзбекистонда меҳнат бозори ва таълим тизимини мувофиқлаштиришнинг устувор йўналишлари.
335. Ўзбекистонда таълим миграциясини тартибга солишнинг устувор йўналишлари.
336. Миллий хавфсизлик тизимида давлат миграция сиёсатининг социологик концепцияси.
337. Ўзбекистонда ташқи меҳнат миграциясини тартибга солишнинг устувор йўналишлари.
338. Ўзбекистонда демографик омил асосида ижтимоий-иқтисодий сиёсатни режалаштириш ва олиб бориш механизмларини такомиллаштириш.
339. Ижтимоий хавфсизликни таъминлашда демографик омил.
340. Ижтимоий хавфсизликни таъминлашда демографик салоҳиятдан самарали фойдаланиш йўналишлари.
341. Ўзбекистон Республикасида аҳолининг ўрта қатламини кенгайтиришда инклюзив механизмларни такомиллаштириш.
342. Ижтимоий хавфсизликни таъминлашда инфратузилма омили.
343. Ижтимоий хавфсизликни таъминлашда бандлик омили.
344. Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш.
345. Ўзбекистонда бандлик тизимининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш.
346. Ўзбекистонда фармацевтика тармоғини ривожлантириш йўналишлари: социологик таҳлил.
347. Худудларда коммунал инфратузилмани ривожлантириш муаммолари.
348. Замонавий миграцион жараёнларнинг миллий хавфсизликка таъсири.
349. Ўзбекистонда виртуал қимор ўйинларининг ижтимоий хавфсизликка таъсири.
350. Ўзбекистонда камбағалликни қисқартиришда ижтимоий таъминот омили (*пенсия ва нафақалар*).
351. Ўзбекистонда камбағалликни қисқартиришда таълим омили.
352. Ижтимоий хавфсизлик кесимида ёшлар радакаллашуви омили.
353. Ёшларни ғоявий тарбиялаш тизимини такомиллаштириш масалалари.

354. Давлатнинг иқтисодий сиёсати ижтимоий хавфсизликни таъминлаш омили сифатида.
355. Ижтимоий хавфсизликни таъминлашда соғлиқни сақлаш омили.
356. Ижтимоий хавфсизликни таъминлашда фармацевтика омили.
357. Ижтимоий хавфсизликни таъминлашда миграция омили.
358. Ижтимоий хавфсизликни таъминлашда ижтимоий ҳимоя омили.
359. Ҳарбий хавфсизликни таъминлашда замонавий кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш.

V. Миллий хавфсизлик муаммоларининг тизимли таҳлили ва прогнозлаштириш: ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

1. Миллий хавфсизлик соҳасидаги психологик таҳдидлар ва уларга қарши чоралар.
2. Жамоат хавфсизлиги ва аҳоли хавотирлари: социологик ва психологик таҳлил.
3. Ўзбекистон таълим тизимида психологик хизматларнинг аҳамияти: таълим муассасаларида психологик хизматларнинг ривожланиши.
4. Экологик таҳдидларни идрок этиш жараёнида когнитив бузилишлар ва дезинформациянинг таъсири: психологик таҳлил.
5. Компьютер ўйинлари ва стриминг платформалари (*Twitch, Discord*) орқали ёшлар орасида радикал гояларни тарғиб қилиш хавфи.
6. Бўлажак ҳарбий хизматчиларда касбий зўриқишларнинг ижтимоий-психологик омиллари.
7. Ҳарбий хизматчиларда соғлом турмуш тарзини шакллантиришга таъсир этувчи салбий омиллардан ҳимоя механизмини такомиллаштиришнинг психологик хусусиятлари.
8. Замонавий таълим муассасаларида психологик хизматни такомиллаштириш: илмий-назарий ва институционал ёндашувлар.
9. Ёшлар психологиясида ижтимоий адаптация ва стрессга қарши барқарорликни шакллантириш масалалари
10. Мутаассиб шахснинг психологик профилини яратишда профайлинг усулининг аҳамияти.

11. Экстремизмдан жабр кўрганлар учун ижтимоий-психологик ёрдам кўрсатиш механизмларини такомиллаштириш.
12. Ўзбекистон Республикасининг миллий хавфсизлиги кесимида ёшларни виртуал қимор ўйинлар таъсиридан ҳимоялашнинг психологик механизмлари.
13. Миллий хавфсизлик кесимида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида психологик хизматни тизимини такомиллаштириш.